**“Тасдиқлайман”**
**Вилоят ҳокимининг**
**биринчи ўринбосари**

**__________Ш.Худайбердиев**
**“_12_” _сентябр_ 2017 йил**

**Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни рекултивация қилиш ҳақидаги хулоса олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек хулоса олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш интерактив хизмати регламенти**

**1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)**

**1.1. Интерактив хизмат номи**

*Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни рекултивация қилиш ҳақидаги хулоса олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек хулоса олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш.*

**1.2. Интерактив хизмат натижаси**

*Веб-сайтнинг ушбу интерактив хизмат бўлимига кирилганда Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни рекултивация қилиш ҳақидаги хулоса олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек хулоса олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш бўйича маълумотларни олиш ёки мурожаат қилиш имконияти яратилган.*

**1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш манзили**

*Вилоят хокимлигмнинг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволасида мавжуд. Веб-сайтдаги хаволаси*
http://eservices.samarkand.uz/yir_osti

**1.4. Қонуний асоси**

*1.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2412-сонли қарори.

***1.5.* Хизматдан фойдаланувчилар**

*Юридик шахслар.*

**1.6. Хизматдан фойдаланишга сўров юбориш муддати.**

*Кўрсатилаётган интерактив хизмат орқали интерактив тарзда ариза, таклиф ва мулоҳаза юбориш имконияти яратилган.*

**1.7. Бажарилиш муддати**

*15 иш куни*

**2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.**

**2.1. Ахборот таркиби ва хажми**

*Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни рекултивация қилиш ҳақидаги хулоса олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек хулоса олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш.*

**2.2. Сўровга асосан бериладиган ахборотлар**

*Интерактив хизматга кирилганда сахифанинг пастги қисмида электрон кўринишда мурожаат йўллаш орқали маълумот олиш имконияти яратилган, шунингдек Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб-сайтига кириб маълумот олиш мумкин.*

**2.3. Хизмат кўрсатиш жойи**

*Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб-сайти орқали маълумотларни олиш ва мурожаат юбориш мумкин. Якуний натижа мурожаатчининг истиқомат қиладиган манзилидаги "Ягона дарча" марказлари орқали тақдим этилади.*

**2.4. Талаб қилинадиган хужжат бланкалари (форма)**

*Талаб қилинадиган хужжатлар нусхалари Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайтининг электрон давлат хизматлари бўлимидаги "Ер ости бойликлари участкасидан фойдаланишда бузилган ерлар қайта тиклангнлигини тасдиқлайдиган хулоса" интерактив хизмати бўлими орқали олиш мумкин .*

***3. Хизмат кўрсатиш***

**3.1. Иш вакти**

*Кун давомида.*

**3.2. Кутиш шартлари**

*Кутиш шартлари мавжуд эмас.*

**4. Хизмат кўрсатиш жараёни**

**4.1. Зарурий хужжатлар**

***Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни рекултивация қилиш ҳақидаги хулоса олиш учун юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами:***

- Ариза.
- Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни рекултивация қилиш ҳақидаги ҳисоботни иловага асосан тақдим этиш;
- Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги бўйича гувохнома;
- Иловадаги шакллар бўйича хулосалар.

**4.2. Хизмат учун тўлов.**

*Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни рекултивация қилиш ҳақидаги хулоса олиш бепул амалга оширилади.*

**4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари**

*Босқичлар мавжуд эмас.*

**4.4. Хизмат кўрсатиш учун ички идоравий жараёнлар**

1) *Жараён 1: Маълумотларни таёрлаш.*

2) *Жараён 2: Веб-сайтга жойлаштириш.*

**4.5. Рад этиш сабаблари**

*Тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаган ва қўйилган талабларга жавоб бермаган ҳолларда, жумладан:*

*Қайд этилган барча ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;*

*Аризачи талаб этилган қонун-қоидаларга рози бўлмаганда;*

*Талаб этилган формалар нотўғри тўлдирилганда.*

**5. Сифатни таъминлаш**

**5.1. Сифат кўрсаткичлари**

*Расмий веб-сайтдаги анкета орқали бахоланади.*

**5.2. Кўрсатилган хизматга оид шикоятлар**

*Хизматдан норози бўлган шахслар, расмий веб-сайтдаги виртуал мурожжат орқали ўз шикоятларини қолдиришлари мумкин.*

**"Келишилган"**
**Самарқанд вилояти**
**"Компьютерлаштириш маркази"**
**директори**

_____________ **Б.Игамқулов**

"12" сентябрь **2017 йил**

Интерактив хизмат кўрсатиш схемаси




Ички идоравий жараёнлар схемаси

